

Д. ЁРМАТОВА, Х. ХУШВАҚТОВА,
Х. ЮЛДАШЕВА

ЎЗБЕКИСТОН ЗАЙТУНИ



ТОШКЕНТ

Д.ЁРМАТОВА, Х.ХУШВАҚТОВА, Х.ЮЛДАШЕВА

ЎЗБЕКИСТОН ЗАЙТУНИ

ТОШКЕНТ – 2016

УЎК: 631.5:633.852.73 (07)

КБК 42.8 (5Ў)

Ё-67

Ё-67 Д.Ёрматова, Х.Хушвактова, Х.Юлдашева. Зайтун етиштириш агротехникаси. –Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 144 бет.

ISBN 978–9943–11–345–9

Ушбу тавсиянома Ўзбекистонда зайтун ўсимлиги етиштириш агротехникаси ҳақида дастлабки маълумот берувчи манбалардан бири ҳисобланади. Тавсияномада зайтун ўсимлигининг келиб чиқиш тарихи, тарқалиш географияси, етиштириш агротехникаси ва кейинги йилларда Андижон вилояти халқаро «Бобур» фонди қошида ташкил этилган «Субтропик экинлар илмий маркази»нинг далаларида олиб борилган тажрибалар ҳамда олиб борилаётган илмий ишлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Ҳозирги кунгача зайтун ўсимлигининг республикада ўсиб ривожланиш адаптацияси ҳақида қарама-қарши фикрлар жуда кўп. Чунки бу ўсимлик биринчи марта Ўзбекистонда экилди ва уни ўстириш ва мослаштириш борасида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда.

Мазкур тавсияномада зайтун ўсимлигининг интродукцияси, ботаник-морфологик белгилари, агротехникаси, касалликлари, кўпайтириш усуллари, мевасининг механик таркиби ва янги навлари ҳақида бир қатор маълумотларни олиш мумкин.

Тавсиянома – Олий ўқув юртлари талабалари, коллежларнинг ўқувчилари, магистрлар ва мойли экинларни етиштириш борасида илмий иш олиб бораётган зайтун ва экологик тоза маҳсулотлар етиштиришга қизиқувчилар эътиборига ҳавола этилади.

УЎК: 631.5:633.852.73 (07)

КБК 42.8 (5Ў)

Такризчилар:

Т.Рахимова – б.ф.д, профессор;

М.Камалова – б.фн, доцент.

Ушбу тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ИТ Д-9, А-9-40 зайтун лойиҳаси учун ажратилган маблағи ҳисобидан чоп этилди.

ISBN 978–9943–11–345–9

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2016.

КИРИШ

Бугунги кунда дунёда экологик бухронлар авж олиб турган бир пайтда, кўп катори бизнинг республикамизда ҳам инсонларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида узлуксиз режали илмий-амалий ишлар олиб бориш соҳага алоқадор олимларнинг ва фермерларнинг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш ва аҳоли эҳтиёжини қондириш борасида дунё ҳамжамияти билан биргаликда ишлар олиб борилмоқда. 2014-йил 6-июнда «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзуида халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти сўзлаган нутқида «Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳал этишни талаб қилаётган ўта муҳим муаммолар, ҳеч шубҳасиз, шу борадаги саъй-ҳаракатни янада мувофиқлаштириш ва кенг миқёсдаги халқаро ҳамкорликни, келажакка қаратилган ёндашув ва хулосаларни биргаликда ишлаб чиқишни тақозо этади ва ўз-ўзидан тушунарлики, жаҳоннинг турли мамлакатларида тўпланган тажриба ва амалиёт билан тизимли ва доимий равишда алмашиб туришни талаб қилади»¹, - деб таъкидлаган эди. Ушбу конференция орқали республикадаги иқтисодий вазият ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш масалаларининг ечимини топиш йўлидаги барча муаммолар очиқ-ойдин муҳокама қилиб олинди ва узоқ йилларга ривожланиш режалари тузилди.

Маълумки, ер юзида иқлим ўзгариши натижасида юз бераётган табиий офатлар, урбанизация жараёнларининг кучайиши туфайли қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг қисқариб бориши, ерларни суғориш учун сув танқислиги, қурғоқчилик каби вазиятлар инсонларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни бирмунча мураккаблаштирмоқда. Шунингдек, 2008-йилда бошланиб, ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзуида халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи.//Халқ сўзи, 2014-йил 7-июнь.

муаммонинг кескин тус олишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жуда катта аҳамият берилади.

Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси республикамиз мустақиллигини, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва сиёсий барқарорлигини таъминлашнинг ишончли гарови бўлиб қолади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида марказий ўринлардан бирида туради. Энг биринчи ҳисобланган мустақиллик бу **Ғалла мустақиллигига эришиш**, аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари – нон, гўшт, сут, тухум, ўсимлик мойи ва мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришда аҳоли сони эътиборга олингани ва бунинг оқибатида, озиқ-овқатнинг барча асосий турларини мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш йўлига ўтилди.

2016-йилдаги иқтисодий кўрсаткичларга асосан, бозор иқтисодиёти ва жаҳон иқтисодий тизимида глобаллашув жараёнлари жадаллашган шароитда иқтисодий хавфсизлик, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини илмий тадқиқ этиш кучайди. Бугунги кундаги асосий масала дунёда яшаб турган аҳолини кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлашдир.

Республикада кейинги йилларда ўсимлик мойига бўлган талаб ошиб бормоқда, бунга биринчи сабаб-пахта чигитининг камайиши бўлса, иккинчи сабаб-одамлар сонининг узлуксиз ошиб боришидир. Ҳисобларга кўра 2020-йилга бориб, Ўзбекистонда аҳоли сони 36 млн. кишига етиши кўзда тутилмоқда, демак, аҳолининг ўсимлик мойига бўлган талабини қондириш асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

1. ЗАЙТУНЧИЛИК ТАРИХИ

Зайтун билан шуғулланишни мақсад қилганимиздан сўнг биз турли илмий адабиётларни ўргана бошладик ва катта муаммоларга дуч келдик. Республикамизда зайтун бўйича биронта илмий ва амалий иш олиб борилмагани сабабли, зайтун бўйича адабиётларни топиш жуда катта қийинчиликлар туғдирди. Аммо биронта табиатшунос ёки тарихчи олимнинг ёзиб қолдирган илмий ишлари ҳамда асарларида зайтун дарахти қадим Ўзбекистон ҳудудида ёки бугунги кунда ўстири-лаётганлигидан хабар берувчи маълумотни топмадик.

Қадимги «Авесто» битикларида Хоразм мамлакатада олма, нок, зайтун, хурмо ва бошқа дарахтлар ўсарди, деган ёзувлар мавжуд. Лекин у вақтдаги Хоразм мамлакатаи ҳудуди жуда катта бўлган. Ҳозирги Афғонистон ҳам Хоразм ҳудудига кирган, маълум бўлишича, Жалолобод вилоятида йирик мевали зайтунлар ўстирилган. Д.Ёрматова (2010).

Шунингдек, буюк табиб, шифокор Абу Али ибн Сино ўзининг машҳур «Тиб қонунлари»да зайтун мойининг шифобахшлиги тўғрисида кўп ёзган ва ундан деярли барча касалларни даволашда фойдаланган.

Зайтун дарахтини, илк бор, эрамизгача Колумелла, Плиний ва Катонлар, сифатли мой ва ажойиб мева бергани учун "мой дарахти" деб номлашган. Меваларида 40—80% мой бўлиб, мойи ярим қурийдиган мойлар гуруҳига киради. Мойи таркибида олеин (70—80%), линол (5—11%) кислоталари кўп.

Зайтун дарахти жуда кўп минг йиллик тарихга эга бўлиб, муҳаббат ва тинчлик рамзи бўлиб ҳисобланади. Бу ўсимлик барча эллар ва миллатлар ҳамда турли динга мансуб одамлар томонидан қадимдан ўстирилиб келинган ва муқаддас саналган.

Қадимги Египетда эрамиздан XV-XIII асрлар олдин зайтун маданий ўсимлик сифатида ўстирилгани ҳақида манбалар мавжуд. Олиб борилган қазилмаларда эрамиздан 2000 йил олдин Грециянинг Санторине оролида зайтун мойларини олиш учун ишлатилган мойжувоз қолдиқлари топилган (Жигаревич 1959).

А.Х.Ролловнинг (1898) ёзишича, зайтун жухудлар яшайдиган ҳудуддаги Хаван ерларида ўстирилган. «Библия»да зайтун ҳақида

дастлабки маълумотлар келтирилган. Ёзилишича, Ной томонидан учирилган кабутар ўз тумшуғида зайтун новдасини келтирган.

Ривоятларда шундай қизиқ маълумот келтирилади: идудей динига мансуб бўлган Зейнаб томонидан пайғамбаримиз Муҳаммад захарланганида, яна бир ривоятда эса, пайғамбаримиз дунёдан ўтганларида мусулмон дунёсида оқётган ариқларда сувлар тўхтайди, қушлар сайрамайди, ҳайвонлар қайғудан овоз чиқармайди, ғамдан барча дарахтлар ўз баргларини тўкадилар. Пайғамбарсиз қолган осмондаги Ой қорайиб куйиб кетади, Қуёш эса нурини сочмай совуб қолади. Хуллас, бутун дунё ҳаракатсиз қолади. Фақатгина зайтун дарахти ўз яшил баргларини сақлаб туради ва у фарёд ва алам билан ёнидаги дарахтларга қараб шундай дейди: «Ў... менинг қайғудош сингилларим, сизлар фақатгина ғамдан куйиб, сочларингизни юлган бўлсаларингиз, менинг бу ғамдан юрагим ёрилиб кетди», деб хитоб қилади.

Греklar учун зайтун новдалари тинчлик, дўстлик ва инсоннинг энг бахтли дамларини ифодаловчи нишондир. Қадимги греklar зайтун дарахтига Элайя деб ном беришган ёки бу сўз мой деган маънони англатган. Римликлар Элайя сўзини бузиб, *Olea* деб ишлатишди.

Шу тариқа Карл Линней ўз систематикасида зайтунни *OLEA* номи билан қайд қилди. Ушбу ном секин-аста Европа, Осиё ва бошқа мамлакатларга тарқаб кетди.

Зайтун ер шарида инсонлар эҳтиёжи учун етиштирилувчи ўсимликлардан бири ҳисобланади. Айрим маълумотларга кўра, зайтун миллоддан 3500 йил олдин экилган дарахтлардан биридир. Зайтуннинг тарихи ҳақида турли қарашлар мавжуд. Уни Мисрда етиштириш тарихи қадимги мисрликлар даврига бориб тақалади. У асосан Алфаййум минтақаси ва Сийва воҳаларида етиштирилган деб ёзишади.

Аммо греklarда шундай ривоят бор: худолар ўз кароматлари тўғрисида баҳслашишади. Зевс қўлидаги таёғини ерга бир урса, ўша жойдан булоқ бўлиб сув оқиб чиқади, Афина қўлидаги таёғини ерга бир урса, зайтун дарахти кўкариб чиқади. Яна айрим ривоятларда дунёни сув босиб, Афина қизлари билан қайиқда номаълум томонга кетаётганида каптар зайтун новдасини келтириб бериб, зайтун новдаси эгилган томонга сузишни ишора қилади. Афина қизлари билан курукликка етиб бориб, зайтун новдасини экишади ва дастлаб зайтун барглари билан озиқланишади. Греklarда ўтказиладиган спорт мусобақаларида зайтун новдаларидан гулчамбарлар

тайёрланиб, ғолиблар эъзозланади, бугунгача шу анъана давом этиб келмоқда.

Европа мамлакатларига зайтун дарахтининг тарқалиши араблар номи боғлиқ. Бир пайтлар араблар Испанияни босиб олганлар ва шу даврда зайтун етиштиришга испанларни ҳам ўргатганлар. Бугун ўша ёмон кунларнинг шарофати билан зайтун майдонлари Испанияда энг катта майдонни эгаллайди, яъни 2 млн. гектарда зайтунлар ўсиб, ҳосил бермоқда. Зайтун мойини экспорт қилиш борасида Испания дунёда етакчилик қилмоқда.

Бугунги кунда ер шари мамлакатларида зайтуннинг 600 га яқин тури мавжуд. Улардан биргина-Европа зайтуни (*olea europaea*) хўжалик аҳамиятига эга.

Зайтуннинг келиб чиқиши тўғрисида ўсимликларнинг келиб чиқиш марказларини аниқлаган катта олим Декандол (1855) ўз маълумотларида зайтуннинг ватани Сурия ва Жанубий Анатолия деб ҳисоблайди. Ушбу ҳудудларда бундан 4000 йиллар бурун зайтун экилган деган фикрини асослаб беради. Яна бошқа маълумотларга кўра, зайтуннинг келиб чиқиши Ғарбий Ҳимолайга тегишли бўлиб, шу ердан Эронга, кейинроқ Месопотамияга, Кичик Осиё ва Сурияга бориб қолган деган хулосага келадилар.

Эрамизгача бўлган биринчи асрда Италияда зайтун майдонлари жуда катта бўлган. Руденко (1976) ўз асарларида бирорта мамлакат зайтун етиштиришда Италияга тенг келмаган деб ёзган.

Озарбайжон Республикаси ҳудудида ҳам зайтуннинг ривожланиш тарихи жуда узокқа бориб тақалади. Эрамиздан 63 йил олдин яшаган грек географи Страбон ўз асарларида зайтун ўсимлиги Озарбайжоннинг Бердинский, Евлах, Касум – Измайлов туманларида жуда қадимдан етиштирилган деган маълумотни беради.

XVIII-XIX асрларда Кичик Осиё мамлакатларидан яна Озарбайжонга қараб кенгайтириш борасида бир қатор ишлар олиб борилди. Бугунги кунгача Апшерон, Боку ва Киробод шаҳарларида бир қанча 100 ёшдан ошган зайтун дарахтлари сақланиб қолганлиги ушбу ҳаракатларга гувоҳ бўлади.

Грузия мамлакати ҳам зайтун етиштиришда ўзига хос тарихга эгадир. Бугун Грузия тоғларида 200-250 ёшга кирган зайтун дарахтларининг сақланиб қолганлиги бундан далолат беради (Нижарадзе, 1962). Шарқий Грузиянинг Кахетия, Лагадех, Гуржуан, Сигнах ва қисман Телев туманлари ҳудудлари зайтун етиштириш учун истикболли ҳисобланади.

Зайтун дарахти доимо ўзига янги майдонлар излади, XVIII асрга бориб бу ўсимлик биринчи марта Америка қитъасига борди. Аввало испанлар томонидан Жанубий Америкага, кейинроқ Шимолий Америкага Калифорнияга бориб қолди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида зайтун Флорида, Аргентина ва Бразилиянинг жанубий штатларида ўстирила бошланди. XX асрда биринчи марта Жанубий Африка Кап вилоятининг жануби-ғарбий қисмида экилди.

Собиқ Советлар мамлакати ҳудудида ҳам зайтуннинг келиб чиқиш тарихи эрамиздан олдинги вақтларга бориб тақалади. Қримда эрамиздан олдинги даврларда греклар томонидан бу ўсимлик ўстирилгани ҳақида тарихий манбалар мавжуд. А. Немминг ёзиб қолдиришича, зайтун бу ҳудудда шу даврдан бошлаб ҳозиргача экилиб келинмоқда.

И.А. Жигаревич, (1959) ёзишича Қримда татарлар босиб олгунга қадар зайтун майдонлари катта бўлган ва зайтун мойини ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Бугун ҳам Қримда Никитский номли ботаника боғида 700 ёшга кирган 10 метр баландликдаги зайтун дарахти ривожланиб турибди.

Абхазияда 1880-йилда Ново-Афон монастири ҳудудида каттагина зайтун плантациялари ташкил қилинади. Бу вақтда зайтун билан биргаликда лимон, апельсин дарахтлари ҳам экилади.

Шунингдек, Гаградаги тоғ ўнгирларида қушлар томонидан тарқалган зайтун дарахтлари ҳаммани ҳайрон қолдиради. Чунки бу тоғларга мутлақо одам оёғи етмайди. Аммо шу ҳудудларда зайтунлар табиий равишда ўсиб ривожланиб турганлиги кўзни қувонтиради.

Зайтун майдонлари Ғарбий Арманистоннинг Игайк вилоятларида эрамиздан аввалги (111-1) асрлардан бошлаб экилиб келган. Эрамиздан олдинги (1375-1080) йилларда Калийск вилоятининг тоғли ҳудудларида катта майдонларни эгаллаган. Бугунги кунда Арманистонда зайтун майдонларидан олинган ҳосил саноат асосида етиштирилмоқда. Шунингдек, ушбу тоғли ҳудудларда яхшигина ҳосил бераётганлиги ҳақида маълумотлар мавжуддир. Бугунги Арманистоннинг Туманян, Иджеванский, Мегринский ва бошқа субтропик ҳудудларида зайтунларни етиштириш истиқболлидир.

Туркманистоннинг тупроқ иқлим шароити ҳам зайтун етиштиришга мос бўлгани учун унинг жануби-ғарбий ҳудудларида бугун саноат асосида зайтунлар етиштирилмоқда. Академик Н.И.Вавилов таклифига кўра бу мамлакатда дастлабки зайтун

плантациялари ташкил қилинди. Буюк олим зайтун мойига бўлган талабни ва ўсимликнинг ўсиши учун зарур бўлган эффектив ҳарорат йиғиндисини ҳисоблаб чиқиб, Италия ва Грузиядан бир қатор зайтун навларини келтириб, экиб кўрди.

Ушбу олиб борилган тажрибалар натижасида зайтун дарахти бу ҳудудда ўзига маъқул жойларни танлаб олди ва бугун юқори ҳосил бермоқда.

Ўзбекистон зайтун етиштириш имкони бўлган энг ёш мамлакатлардан биридир. Тупроқ иқлим шароитларига кўра, Ўзбекистон зайтун етиштириш борасида энг шимолий ҳудуд ҳисоланади. Бизда биринчи марта зайтун 2002-йилда субтропик ҳисобланган Сурхондарё вилоятининг Олтинсой тумани ҳудудларига экилди. 2006-йилда биринчи марта мева берди ва мевалари пишиб етилди. Шу тариқа катта қийинчиликлардан сўнг зайтунни Ўзбекистонда экиш мумкин деган хулосага келинди. Аммо ҳали бу борада жуда катта кузатишлар, илмий ишлар олиб борилиши керак.

Андижон вилоятидаги халқаро «Бобур» фонди қошида Субтропик экинлар Илмий маркази ташкил қилинди. Шу марказ майдонларида кейинги 2013–2016-йилларда ўзимизда яратилган зайтун дарахтлари ҳосил бермоқда.

Кўп йиллик меҳнатларимиз самараси сифатида зайтуннинг икки навини Давлат Реестрига киритишга муваффақ бўлдик. «Изумруд» ва «Қоракўз» номли зайтун навлари яратилди. Бир қатор фермер хўжаликларида ва қизиқувчилар томонидан зайтун плантациялари ташкил қилинмоқда.

Зайтунни Ўзбекистонда етиштириш мумкинлигини сўз билан, тажрибалар орқали, етиштирилган маҳсулотлар билан исботлаш катта қийинчиликлар, фидойилик, дадиллик, меҳнат ва вақтни талаб қилади. Ушбу хулосаларнинг тўғрилигига боғбонларни ва фермерларни ишонтириш ва уларда қизиқиш уйғотиш зарур. Шунингдек, зайтунни Ўзбекистоннинг мақбул тупроқ иқлим шароитларида ўрганиб, керакли навларини танлаб, мослашадиганларини аниқлаб бериш каби йиллар давомида бажариладиган ишлар олимларимизнинг зиммаларида турибди. Ҳали бу соҳада олиб бориладиган изланишларни эндигина бошланди деб ҳисоблаймиз.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3972> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3972> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3972>